



TOSHKENT  
FARMATSEVTIKA  
INSTITUTI



# FARMATSEVTIKA SOHASINING BUGUNGI HOLATI: MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR

(xalqaro olimlar ishtirokidagi respublika  
ilmiy-amaliy anjumani materiallari)



самарадорлигини ҳамда ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббатининг оширилишига, ёшлар билан ишлаш темпининг юксалишига эришилади.

### **Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараккиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги боскичга кўтарамиз. -Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. // Конун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. - Б.
2. Миллий истиклол гояси: асосий тушунча, тамойиллар ва атамалар (қиска изоҳли тажрибавий лугат). Т."Янги аср авлоди".-2002.
3. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. - Т.:Faфур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
4. Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт, - Т.: Фан, 2004.

### **«MOODLE» ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИ «ФАРМАЦЕВТИКАДА ИНФОРМАЦИОН ТИЗИМЛАР» ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

А.С.Байдуллаев, Э.Э.Ражабов

*Тошкент фармацевтика институти, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси*

*E-mail: baidullaev\_a@mail.ru  
elmurod-1009@mail.ru*

**Максад:** кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ёшларни юксак ахлоқли, маънавиятли ва маърифатли, меҳнатга вижданан муносабатда бўлишга, жамият ва оиласи олдида ўз маъсулиятини чукур англаб етувчи, рақобатбардош, малакали мутахассис килиб тайёрлаш ва тарбиялаш вазифаларни ҳал этиш учун таълим технологияларидан кенг фойдаланиш, таълимни оптималлаштириш, инсонпарварлаштириш ва инновацион методлар асосида ўкув жараёнини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқот материаллари, усул ва услублар:** ҳозирги кунда талабалар тез, кўп, ишонарли маълумотларга эга бўлишлари ва ўзлари мустақил билим олишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Шулар жумласидан, электрон мажмуалар талабалар учун фанга оид бўлган муҳим маълумотларни исталган масофадан ўз имкониятларидан келиб чиқсан холда фойдаланишлари мумкин. Очиқ кодли «Moodle» дастурий комплекси Интернет тармогидан фойдаланиб, таълим жараёнини бошқариш учун маҳсус яратилган (Learning management system- LMS) тизимдир.

Тизимда ишлаш учун, MySQL МББТ ҳаракатини қўллайдиган ва PHP препроцессорли ҳар қандай платформада ишлаш қобилиятига эга бўлган сервер зарурдир.

Тизимни жойлаштириш (Сервер конфигурацияси ва дастурий таъминотни кўшган холда) бир неча кунни олади ва сўнг шахсий таълим

структурасини таркиб топтириш мумкин. Moodle тизимида ҳар қандай таълим функцияларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратилган, хусусан:

- таълим оловчига ҳар қандай кўринишда (текст, файл ва хк..) жавобларни жўнатиш имконини берувчи топшириклар;
- бошқаришнинг кенг имкониятларини кўриб чиқиш учун форумлар;
- чатлар;
- GIFT и HotPot форматларини ўз ичига олган, тестларни тайёрлашнинг ҳар қандай тизимидаги топширикларни қабул килиш имконинини берувчи тест тизимлари;
- ўқув курсларини бошқариш тизими (мавзулар сони, структураси, календарь график ва б.)
- йил давомида ҳамма категориядаги фойдаланувчиларнинг логинларини саклаб, ҳаракатларни хисобга олиш тизими;
- ҳар хил категориядаги фойдаланувчиларнинг кириш хукукларини чеклаш ва функцияларни тақсимлашни таъминловчи авторизация ва муаллифлаштириш тизими;
- хабарлар алмашини тизимини ривожлантириш.



**Натижалар:** Тошкент фармацевтика институти марказий услубий кенгаши карори билан Moodle масофавий таълим тизимини ўқув жараёнида кўлланиш учун тавсия этилди.

Ҳар бир фан бўйича маълумотлар базасини таъминлаш ва тўлдириш фан бўйича профессор-ўқитувчиларга топширилди.

Moodle тизими учун Тошкент фармацевтика институти Ахборот технологиялари марказида алоҳида ажратилган серверга ўрнатилган ва <http://moodle.pharmi.uz/moodle/> адреси бўйича фойдаланиш мумкин.

2017-2018 ўқув йилининг II-семестри ва 2018-2019 ўқув йилининг I, II-семестридан <http://moodle.pharmi.uz/moodle/> сайти тажрибадан ўтказилди ва Информатика ва ахборот технологиялари факултидан талабаларни ўқитишида кўлланилиб апробациядан ўтди.

**Хуроса:** эксперимент натижалари шуни кўрсатдики, Moodle тизимидан ўқув жараёнида фойдаланиш профессор-ўқитувчилар учун ҳам, талабалар учун ҳам

кулай эканлиги аникланди ва талабалар томонидан бошқа фанларни ҳам Moodle тизимидан фойдаланиб ўқитиш таклифлари киритилди.

### **Адабиётлар**

1. Клейносова Н.П., Кадырова Э.А., Телков И.А., Хруничев Р.В. «Проектирование и разработка дистанционного учебного курса в среде Moodle 2.7», Учебно-методическое пособие Рязанский государственный радиотехнический университет.-Рязань.: 2015. -С. 55-141.
2. Байдуллаев А.С., Самигова Н.Х., Қодирова Г.А. Moodle LMS тизимида масофавий курслар яратиш. Тошкент фармацевтика институти профессор-ўқитувчиларининг мустакил таълимда Moodle тизимидан фойдаланишлари учун ўқув-услубий кўлланма. -Тошкент.: 2017. 44-81 б.
3. <http://rumoodler.com> - Moodle -учебник для начинающих.

### **ПАТОЛОГИЯ ФАНИДАН АМАЛИЁТ ДАРСИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ ДАРС САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

Ш.Ш.Бобоҷонова, Қ.Ш.Болтаева

*Тошкент фармацевтика институти, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси*

*E-mail: pharmi@bbc.com.uz*

**Максад:** Ўзбекистон Республикасида давлат таълим стандартларининг яратилиши, амалиётта жорий қилиниши, педагогик технологияларни кенг кўллаш учун муҳим асос бўлди.

Ҳозирги кунда замон талабларига жавоб берадиган етук мутахассис кадрларни тайёрлаш, олий ўқув даргоҳларининг асосий вазифасига айланган. Педагогик технология таълим-тарбия тизими кўринишида, белгиланган таълим-тарбия фаолиятини амалга оширишга хизмат килувчи моддий таъминот, маънавий ва миљий қадриятлардан иборат. Олий ўқув даргоҳи фаолиятининг ҳозирги назарияси ва амалиётида таълим тарбия жараёнини амалга ошириш ва олиб боришнинг турли кўринишлари мавжуд. Ҳар бир амалиёт ўқитувчиси педагогик жараёнга индивидуал ёндошади. Турли педагогик технологиялар ўз максадлари, мазмуни, кўлланиладиган методлари ва воситалари бўйича ўхшашликларга эгадир. Замонавий педагогик технологиялар кўлланилган амалий машғулотлар, талабалар эгаллашлари лозим бўлган билим ва кўнікмаларни ўзлари излаб топишларига, маълумотларни таҳлил килишларига, хulosаларни чиқаришга асосланган. Таълим сифатини ошириш максадида Республикамиз таълим тизимига инновацион технологиялар ва ахборот коммуникациялар тез суръатларда жорий қилиниб, татбик қилинмоқда. Амалиёт дарсларида талабаларни қизиқтириб ўқитиш ва билимларини ўзлаштиришга эришиш, ҳамда берилаётган билимларни талабаларнинг аксарият қисмини пухта ўзлаштириши, замонавий педагогик технологиянинг асосий максадларидан бири хисобланади.